
ВИЛОЯТИМИЗДА “АРМИ – 2022” ХАЛҚАРО АРМИЯ ЎЙИНЛАРИ ДОИРАСИДА “ЙЎЛ ПАТРУЛИ” ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Миллий армиянинг куч-кудрати ва салоҳияти, юрт ҳимоячиларининг касбий тайёргарлигини амалда яққол намоён этадиган “АрМИ – 2022” Халқаро армия ўйинларининг бу йилги “Йўл патрули” мусобақасига Фарғона вилояти мезбонлик қилмоқда.

16 август куни старт оладиган “Йўл патрули” мусобақаси ўтказиладиган Шарқий ҳарбий округ таркибида кирувчи Кўқон шаҳридаги ҳарбий қисм ўқув марказида баҳсларга тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирган. Унда Беларусь, Марокаш, Эрон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси ва Ўзбекистоннинг икки жамоаси совринли ўринлар учун кураш олиб бориши режалаштирилган. Бугунги кунда иштирок этадиган жамоалар вилоятимизга етиб келишди.

Мусобақа иштирокчилари – ҳарбий автомобиль назорати инспекцияси мутахассислари бу йилги “Йўл патрули” мусобақасида 98 от кучига эга, двигател ҳажми 1,5 литр сифимли механик бошқарув тизими Нексия-3 русумли автомобилларда ўзларига топширилган вазифаларни бажаришади.

“Йўл патрули” баҳслари икки босқичда – мутахассислар беллашуви ҳамда ҳарбий-техник эстафета (жамоавий пойга) қўринишида ўтказилади. Дастребки босқичда иштирокчилардан автомобилларни экстремал вазиятларда аварияга қарши элементларни бажариш маҳорати, белгиланган маршрутда индивидуал пойга, инспекторлар томонидан йўл ҳаракатини бошқариш, машина ғилдиракларини алмаштириш ва автомобилни экстремал ёнма-ён тўхтатиш машқларини бажариш талаб этилади.

Ҳарбий-техник эстафета (жамоавий пойга) ҳисобланувчи иккинчи босқичда эса маҳсус кийим ва жанговар қурол билан маҳсус асфальт йўлагини босиб ўтадилар. Йўлакни босиб ўтиш жараёнида мусобақа қатнашчилари ўзларига бириктирилган автомобилларда ўрнатилган тўсиқлардан бехато ўтиш ва турли синов машқларини бажаришади.

“Йўл патрули” мусобақасида қатнашаётган мамлакатимизнинг ҳар икки жамоаси ҳамда меҳмонлар юқорида санаб ўтилган баҳслар бўйича пухта тайёргарлик кўришган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-12 10:12:06